

**СУҒУРТА МАСАЛАЛАРИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ**  
**ТЎҒРИСИДА БОШ КЕЛИШУВ № 01/009**

Тошкент шаҳар

“26” июн 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 25.02.2022 йилдаги СФ № 00037 - сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда **“СУҒУРТАЛОВЧИ”** деб номланувчи **“My-Insurance” Суғурта Компанияси Акциядорлик жамияти** номидан Устав асосида иш юритувчи Бош директори **А.К.Юлдашев** бир томондан, кейинги ўринларда **“НАФ ОЛУВЧИ/СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ”** деб номланувчи, **“Микрокредитбанк” АТБ** номидан 2025 йил 08 апрелдаги 01-11/3233 - сонли Ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув раиси ўринбосари **в.б. Джуманиязов Икрам Каримбаевич** иккинчи томондан биргаликда **“Томонлар”**, алоҳида **“Томон”** деб аталиб, суғурта масалаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Бош келишувни (бундан буён матнда - *мазкур Келишув деб юритилади*) тузишди:

1. Мазкур Келишувнинг предмети Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 (Шартнома тузиш эркинлиги) ва 360 (Қўшилиш шартномаси) моддаларига тартибда Қарз олувчининг мазкур Келишув шартларига қўшилиши ҳисобланади.


2. Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Қарз олувчининг топшириғига кўра, Суғурталовчи ўз зиммасига, мазкур Бош келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган **“My-Insurance” Суғурта Компанияси Акциядорлик жамияти** билан ишлаш учун:

- гаровга қўйилаётган транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- гаровга қўйиладиган мол-мулкни (ипотека объектини) суғурта қилиш;
- гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурта қилиш;
- жисмоний шахслар учун ажратилаётган кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш;
- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш;
- юридик шахслар учун ажратилаётган кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш ва бошқа ўзаро келишилган суғурта қоидалари (бундан буён матнда – **“Суғурта қоидалари”** деб юритилади) шартларига ҳамда келишилган 1-иловадаги суғурталаш тариф ставкаларига мувофиқ, суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

3. Суғурта мукофотини тўланиши, Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Қарз олувчининг Суғурта қоидалари ва суғурта полисида белгиланган шартларда, тартибда ва ҳажмда, Суғурта қоидаларига қўшилишига сўзсиз ва тўлиқ розилигини (акцептлаганини) билдиради.

4. Ҳар бир Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Қарз олувчининг мазкур Келишувга ва Суғурта қоидаларига қўшилиши Суғурталовчи томондан ҳар бир кредит шартномаси доирасида берилган суғурта полиси билан тасдиқланади.

5. Томонлар Суғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтидан, шунингдек мобиль иловалардан, электрон почтадан ва



ахборот алмашишнинг бошқа усулларида фойдаланилган ҳолда суғурта полисларини расмийлаштиришга ҳақли. Бунда электрон шаклдаги суғурта полиси қоғоздаги ҳужжатга тенг ҳужжат деб эътироф этилади.

6. Томонлар, Суғурта қоидаларига мувофиқ суғурта полисининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Суғурта қоидаларига киритилган шартлар Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи учун мажбурийдир.

7. Суғурта компаниялари рейтинги ҳар олти ойда Банк томонидан янгиланишини инобатга олиб, Суғурталовчи ҳар чоракда молиявий ҳисоботларини Банкка тақдим этиши шарт.

8. Ушбу Бош келишув олти ой муддатга амал қилади ва Суғурталовчининг рейтинг кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилгач, Бош келишув муддати узайтирилиши ёки Банк Суғурталовчини ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур Келишувни бир томонлама бекор қилиши мумкин.

9. Ушбу Бош келишув амал қилиш жараёнида Банк томонидан танлаб олинган Суғурталовчиларнинг молиявий кўрсаткичлари қўйилган минимал талабларга мос келиб бориши мунтазам ўрганиб борилади.

10. Мазкур Келишувда назарда тутилмаган бошқа шартлар, Келишувнинг ажралмас қисми бўлган Суғурта қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик асосида тартибга солинади.

## 11. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### “СУҒУРТАЛОВЧИ”

#### “MY-INSURANCE” АЖ СК

Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой  
тумани, Кичик Миробод-95

тел: 71-205-19-19

х/р: 20208 000 104786066 001

Тошкент Ш., "ТИФ Миллий банки" АЖ

Бош Офиси

Банк коди: 00450, ИНН: 207 002 342

Бош директор

А.К.Юлдашев

ИМЗО



### “НАФ ОЛУВЧИ/СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ”

#### “Микрокредитбанк” АТБ

Манзили: 100047, Ўзбекистон  
Республикаси, Тошкент ш., Миробод  
тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси 4-уй.

Тел.: +998 71 207-46-51

Бошқарув раиси ўринбосари в.б.

И.К.Джуманиязов

ИМЗО



Юрист:

01/009 -сонли Бош келишувга 1-илова

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Суғурталовчи номидан

**“MY-INSURANCE” АЖ СК**

Бош директори

А.К.Юлдашев



06

2025 йил

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Наф олувчи/Суғурта қилдирувчи

номидан **“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ**

Бошқарув раиси ўринбосари в.б.

И.К.Джуманиязов



06

2025 йил

| № | Чакана бизнес йўналишида суғурта хизмат номи                                                                                                                                                   | Суғурта тарифи |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|
| 1 | Онлайн ва оффлайн микроқарзлар учун кредит қайтмаслик суғуртаси                                                                                                                                | 1,0%           |
| 2 | Автокредит маҳсулоти учун автотранспорт воситаси гаровга қабул қилингунча кредит қайтмаслик суғуртаси                                                                                          | 0,6%           |
| 3 | Автокредит маҳсулоти учун гаровга қабул қилинган автотранспорт воситасини суғурталаш                                                                                                           | 0,6%           |
| 4 | Чакана кредитлар учун тақдим қилинган бошқа гаров мулкларни суғурталаш                                                                                                                         | 0,1%           |
| № | Кичик ва корпоратив бизнес йўналишида суғурта хизмат номи                                                                                                                                      |                |
| 1 | Кичик бизнес (5 млрд. сўмгача) ва корпоратив (5 млрд. сўмдан юқори) йўналишлари ҳамда Халқаро Молия Институтлари ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар учун кредит қайтмаслик суғуртаси | 1,0%           |
| 2 | Гаровга қабул қилинган енгил автотранспорт воситасини суғурталаш                                                                                                                               | 0,6%           |
| 3 | Тақдим этилган факторинг хизматлари бўйича суғурта                                                                                                                                             | 2,0%           |
| 4 | Гаровга қабул қилинган юк ташувчи автотранспорт воситасини суғурталаш                                                                                                                          | 0,5%           |
| 5 | Гаровга қабул қилинган махсус автотранспорт воситасини суғурталаш                                                                                                                              | 0,5%           |
| 6 | Гаровга қабул қилинган кўчмас мулкни суғурталаш                                                                                                                                                | 0,1%           |
| 7 | Гаровга қабул қилинган бошқа мулкларни суғурталаш                                                                                                                                              | 0,1%           |
| 8 | Микромолия ташкилотлари томонидан кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган "микромолия ташкилотларининг кредит портфеллари" микромолия ташкилотларининг кредит портфеллари"ни суғурталаш    | 2,0%           |
| № | Ижтимоий дастурлар йўналишида суғурта хизмат номи                                                                                                                                              |                |
| 1 | "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари" доирасида жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар бўйича кредит қайтмаслик суғуртаси                                                      | 0,5%           |

|   |                                                                                                                                                                                 |      |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|
| 2 | "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари"<br>доирасида юридик шахсларга ажратилаётган кредитлар учун<br>Гаровга қабул қилинган автотранспорт воситаларини<br>суғурталаш | 0,6% |
| 3 | "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари"<br>доирасида юридик шахсларга ажратилаётган кредитлар учун<br>Гаровга қабул қилинган кўчмас мулкни суғурталаш                 | 0,1% |

